




**ЗАМОНАВИЙ  
ШАҲАРГА РАВОН  
ЙЎЛЛАР ЯРАШАДИ**



**МАҲАЛЛА —  
МЕН  
ЯШАЁТГАН  
ОЛАМ**




**ВАТАННИ  
СЕВМОҚ  
ИЙМОНДАНДИР**



**ЁЗГИ  
ТАЪТИЛ  
МАЗМУНЛИ  
ЎТМОҚДА**

ЧОРШАНБА



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 148 (9.951)

2003 йил 30 июль

**ПОЙТАХТНИНГ  
Бир кунни**  
Янгиликлар, воқеалар



Шаҳримиздаги «GREEN WORLD» Ўзбекистон-Америка — Жанубий Корея қўшма корхонасида замонавий линиялар ёрдамида мева ва сабзавотлар қайта ишланиб тайёрланаётган табиий шарбатлар Россия Федерацияси, Беларуссия давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

**СУРАТДА:** корхонанинг моҳир сараловчиси Наргиза Жаматовна сифатли маҳсулотлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

**ҚИСҚА  
сатрларда**

□ **БҲУН** Акмал Икромов туманидаги Абдулла Қодирий номи маҳалла гузариди «Соғлом оила — соғлом келажак» мавзусида тадбир ўтказилди.

□ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги «Қоратosh» маҳалла гузариди «Кросслинг интернейшнл» халқаро беғараз ёрдам ташкилотининг «Маҳалла пазандаси» лойиҳаси доирасида икки ойлик курсни битирган «Қоратosh» ва Маннон Уйгур маҳаллалари хотин-қизларига сертификатлар топширилди.

□ **БҲУН** шаҳримиздаги «Дедеман Силк Роад» меҳмонхонасида «Мерседес Бенц» компаниясига тегишли янги турдаги 100 та «Коннекто-Ю» русумли йўловчи ташиш автобусларини «Тошшаҳар йўловчиган» Давлат уюшмасига расмий топшириш маросими бўлиб ўтди.

□ **«ТУРКИСТОН»** саройида 2 август куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан «Маҳалла куни» байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда тақлиф этилган икки минг нафарга яқин маҳалла фаоллари, кекса отахон-онахонлар, меҳнат фахрийлари ва дипломатик корпус вакиллари эътиборига байрам концерти ҳавола қилинади.

Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги Матбуот  
хизмати  
ва ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

## ҚЎШИҚЛАРДА ОНА ЮРТ МАДҲИ

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган Мустақиллик байрами тантаналарида қатнашадиган эстрада блокнининг кўриги давом этмоқда.

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий-иждоий гуруҳи эстрада кўшиқчилари асарларини жиддий талаблар асосида кўриқдан ўтказяпти. Танловнинг илк босқичида 326 нафар кўшиқчи иштирок этган бўлса, иккинчисида уларнинг ўн тўрт нафари танлаб олинди. Ҳайрат аъзолари хонандаларнинг ижро маҳорати, кўшиқ матни ҳамда композициясининг мазмун ва моҳиятига алоҳида эътибор қаратмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган хайъат мажлиси бўлди. Унда прокуратура органларининг 2003 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти яқунлари ҳамда Президентимиз Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида ярим йиллик яқунларига бағишлаб ўтказилган мажлисдаги маърузасида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қўйилган вазифаларнинг ижросига оид масалалар муҳокама қилинди.

Бош прокурор Р. Қодиров бошқарган мажлисда прокуратура органлари ўзларига оқлатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга қаратаётгани таъкидланди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси 2003 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 29 июль

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг  
Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
3. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси тўғрисида.
4. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
5. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида.
7. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
9. «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
10. «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
11. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
12. «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
13. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

минг 590 АҚШ доллари айбдор шахслар томонидан ихтиёрий тўлангани қайд этилди.

Шунингдек, иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун вазирликлар, идоралар ва корхоналар раҳбарларининг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида 2,2 миллиард сўм иш ҳақининг тўланиши ҳамда бу соҳада қонун бузилишларига йўл қўйган 2 мингдан ортқ мансабдор шахсларнинг интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилиши таъминланган.

Тадбирда бу соҳада амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда қонунлар ижроси устидан назоратнинг айрим соҳаларида йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратилди.

Ў.А.

**ХУМ** сақоси  
Барча маъбалардан  
олинган сўйгги хабарлар

## Мамлакатимизда

• «Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг Обод маҳалла йили дастури доирасида Оролбўйида бўлган «Саломатлик» поезди саккиз кун мобайнида 4500 дан зиёд аҳолига тиббий ёрдам кўрсатди. Эллиққалъа туманидаги «Орол болалари» дам олиш масканига янги ошхона жиҳозлари, спорт анжумлари ва стол-стуллар топшириди.

• Жиззах вилояти галлакорлари давлат қабул пунктларига 268 минг 900 тоннадан зиёд дон топшириб, шартнома режасини удалашди.

• Самарқанд вилоятининг Ургут туманида эронликлар билан ҳамкорликда гилам тўкишга ихтисослашган «SAMNEGIN» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бу ерда турли ўлчамдаги гилам ва пояндозлар ишлаб чиқарилмоқда.

• Наманган шаҳрида ўтказилган меҳнат ёрмаркасида 300 нафар киши ишга жойлашди.

• «ОН» сайёрамизда тинчлик» республика танловига голиб чиққан 5 нафар Ўзбекистонлик ёш rassom Харьковга жўнаб кетди. Улар 1-10 август кунлари бўладиган халқаро танловда иштирок этади.

## Жаҳонда

• Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Москвада Италия вазирлар кенгаши раиси Сильвио Берлускони билан музокаралар ўтказди.

• Камбоджада навбатдаги сайловлар нихосига етди. Гарчи натижалар икки ҳафтадан сўнг тўла аниқлансада, 23 сиёсий партия вакиллари иштирок этган сайловда Халқ партиясига раҳбарлик қилаётган ҳозирги бош вазир Хун Сен галаба қозониши мумкинлиги айтилмоқда.

• Филиппин раҳбарияти ҳукуматга қарши бўлган исёвчи офицерлар билан келишувга эришди. Ҳарбийлар томонидан ҳукумат биноларига ўрнатилган портовчи моддалар тезликда зарарсизлантирилди.

• Исроил ҳукуматининг охириги мажлисида мамлакат қамқоқхоналарида сақланаётган яна 100 нафар фаластинликни озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

• Испания божхона хизмати ходимлари муваффақиятли операция ўтказиб, бир тонна кокаин гиёвандлик моддасини ушлаб қолишга муваффақ бўлишди.

• Қашмирда Ҳиндистон ва Покистон чегарасида ҳар иккала мамлакат ҳарбийлари ўртасида бўлиб ўтган отишма чоғида 6 та покистонлик тинч аҳоли ҳалок бўлди.

• Хитой жанубидаги мушак ишлаб чиқарувчи фабрикада юз берган портлаш натижасида 29 киши ҳалок бўлди ва 141 нафарга яқин киши жароҳатланди.

**Иқтисодиёт**

**АСАКАГА  
ЖЎНАТИЛДИ**

Куни кеча навбатдаги буюртма — пойтахтдаги «Реле-автоматика» заводи очик акционерлик жамиятида тайёрланган 6 хилдаги махсулотлар Асакадаги «ЎздЭУ» кўшма корхонасига жўнатилди.

Жорий йилда корхона шартномага асосан 4,9 миллион сўмлик 9 турдаги махсулотларни айнан «Нексиа» ва «Тико» автомобиллари учун ишлаб чиқаради ҳамда миждозларига етказиб беради. Мазкур корхонанинг 230 нафардан ортик ишчи-хизматчилари яна 2 та буюртмани ҳам тахт қилдилар. Булардан бири — «Тошкент трактор заводи» Давлат хиссадорлик жамиятига 48 миллион сўмлик махсулотлар жўнатишга тайёрлаб қўйилди.

Бундан ташқари, Навоий вилоятига юбориладиган режадаги 18 миллион сўмлик сифатли, мустаҳкам буюртма ҳам бажарилди. Июнь ойида жамият аъзолари 68 миллион сўмлик махсулотлар ишлаб чиқаришга эришишди. Булар — автотранспорт воситалари ва тракторлар учун 4 хил турдаги ёритиш жиждозлари, электромонтаж махсулотлари, трансформаторли қутилар, бошқарув қурilmалари каби кўплаб буюртмалардир.

**ИЗЛАНИШ  
САМАРАСИ**

Ҳамза туманида самарали фаолият юритаётган «Lok Kolor Sintes» Ўзбекистон — Нидерландия кўшма корхонаси ўзининг кўплаб сифатли махсулотлари билан харидорларни мамнун қилмоқда.

Мазкур корхонада қурилиш ҳамда саноатда қўлланиладиган лак-бўёқ махсулотлари, МР-3 русумли электродлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Лак-бўёқ махсулотлари юкори сифатли бўлиб, улар сотувга ҳар хил сифимли, қулай идишларда чиқарилади. Жумладан, 80, 100, 120 миллиметрли сифатли михлар, эмульсия ва силикат елимлар аллақачон харидорларини топган ҳамда қурилишларда унумли ишлатилмоқда.

Бундан ташқари, корхонадаги тикувчилик ишлаб чиқариш цехида ҳам ишчилар баракали меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги кунда тикувчилар 18 хилдаги аёллар, эркаклар учун иш кийимлари, фартук, куртка, коржамалар тикишни пухта ўзлаштирганлар, шунингдек буюртма асосида миждозларга рангбаранг махсус кийим-бош тикиб берадилар.

Этиборли томони, ўринқўрпалар учун филофлар, дастурхон, сочик ва салфеткалар каби кўплаб махсулотлар ҳам сотувга чиқарилмоқда.

Кўшма корхона тadbиркорлари изланишда. Улар ички бозоримизни синчиклаб ўрганиш асосида янгидан йўли махсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғлаганлар.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

**Шарқ дарвозаси - гўзал пойтахтимиз Тошкентда истиклол йилларида миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган бири биридан муҳташам бино ва иншоотлар бунёд этилиб, у сайёрамизнинг энг кўркем ва обод шаҳарлардан бирига айланмоқда. Бир пайтлар қурилган эски, пастқам иморатлар, тор ва нотекис кўча ҳамда хиёбонлар ўрнида замонавий иншоотлар, кенг ва раво кўчалар барпо этиляпти.**

Пойтахтимиздаги бунёдкорлик соҳасидаги энг хайрли ишлардан бири, шубҳасиз, шаҳар марказида транспорт тизимининг олдини олишга хизмат қиладиган кичик автомобиль халқа йўли - ички транспорт магистралини қуришга киришилганидир. Уни барпо этиш билан боғлиқ ишлар Президентимиз Ислам Каримовнинг доимий диққат-марказида тургани ҳам бежиз эмас. Тошкент кичик халқа йўлининг аҳамиятли томони шундаки, автомашиналар шаҳар марказига кирмасдан, мазкур магистрал орқали кўзлаган манзилига етиб олиши мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси буюртмаси асосида барпо этилаётган мазкур йўлнинг умумий узунлиги ўттиз километрдан ошадиги. Шунинг 7 километри янгидан қурилса, қолган қисми аввалдан мавжуд кўчаларни кенгайтириш ҳисобига амалга оширилади. Лойиҳага кўра бир-биридан маҳобатли ва мустаҳкам тўққизта кўприк, бир ер ости йўл ўтказгичи - тоннель қурилади, иккита темир йўл кўприги таъмирланади. Йўлнинг эни 32 метргача кенгайиб, машиналар қарама-қарши томонга бир йўла саккиз қаторда ҳаракатлана олади.

Ҳар йили кичик халқа йўлининг бир қисми қуриб фойдаланишга топшириб борилади. Бугунга қадар унинг икки қисми ишга туширилиб, Юнусобод туманининг Амир Темуру кўчасидан Хидирали Эргашев кўчаси бўйлаб Жанубий вокзал ёнидаги Фарход кўчасигача бўлган 13 километрдан зиёд қаторда қурилади.

Айни кунларда мазкур йўлнинг учинчи навбатини барпо этиш ишлари жадаллик билан давом эттириляпти. Кичик халқа йўлининг бу босқичи Шайхонтоҳур туманидаги генерал Узоқов кўчасининг Маннон Уйғур ва Улуғбек кўчалари кесишган жойидан бошланиб, Фарход, Усмоно Носир, Гавҳар, Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳасида бунёд этилган кўприкка бориб туташади.

Тошкент кичик халқа йўлининг умумий узунлиги салкам саккиз километр бўлган бу қисмини барпо этиш ишларига «Ўзавтойул» давлат акционерлик концернининг «Тошйўлқурилиш» трести, «Автомагистраль» бирлашмаси бош пудратчи этиб тайинланган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари концерн ҳисобидан қопланиши режалаштирилган.

Кичик халқа йўлининг учинчи босқичи Яққасарой, Чилонзор, Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туманларидан ўтади. Генерал Узоқов, Собир Юсупов, Фарход кўчаларида улкан ҳажмдаги қурилиш, кенгайтириш, таъмирлаш ишлари шиддат билан давом эттирилмоқда. Ҳозир йўлсозлар, кўплаб техника воситалари шағал тўқиш, шиббалаш, йўл четларига бетон плиталарни ётқизиш, ёритгич устунларини ўрнатиш каби ишларни икки сменада жадаллик билан бажармоқда.

Лойиҳага кўра, кичик халқа йўли мазкур босқичининг айрим қисмлари кенглиги 37 метргача етиб, ўрта-сида эни беш метрлик гулзор ташкил этилади. Йўлсозликда гоёт мураккаб иншоот - ер ости йўл ўтказгичи қуриляётгани, айниқса, эътиборга молик. У генерал Узоқов кўчасининг Маннон Уйғур ва Улуғбек кўчалари кесишган чорраҳада жойлашган. Узунлиги 80, кенглиги 40 метр мазкур тоннелни бунёд этиш ишларини «Тошметроқурилиш» трести қурувчилари амалга оширмоқда.

Шу пайтга қадар бу чорраҳадан бир суткада 33 мингдан кўпроқ автомашина ўтади, қатнов ўта тизиз. Тоннелнинг қурилиши бундай ҳолатга чек қўяди, айни пайтда пойтахтимизнинг эски шаҳар қисмидан келадиган автомобилларнинг халқа йўлига чиқиб кетиши учун имконият яратади. Бу эса ҳаракатни енгиллаштириб, хавфсизликни оширади.


Айни кунларда бу ерда қурилиш ишлари ниҳонсига етказилиб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Жумладан, Кўкча канали бетонлаштирилди. Тоннель ичига йигиладиган оқва сувларни ташқарига чиқариб ташловчи насос қурилди.

Йўлсозлар халқа йўлининг бу қисмини мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик тўйига тўғна этишни мақсад қилган. Тошкент кичик халқа йўлининг учинчи навбати ҳам фойдаланишга топширилса, ушбу магистралнинг умумий узунлиги 21 километрдан ошадиги.

Олим НОРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.

**СУРАТЛАРДА:** кичик халқа йўлининг қурилишидан лавҳалар.

Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.



**МЕТРО ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Тошкент метрополитенчилари ҳозирда узунлиги 10 километрдан зиёд қаторда бекат қурилиш ишларини бошлаб арафасида. «Собир Раҳимов» бекатини Сирғали тумани билан боғловчи тўртинчи йўналишда эса, техник лойиҳа ишлари давом этмоқда. Бу йўналишда олти бекат қуриладиган бўлиб, шулардан иккитаси ер остида ва тўрттаси ер устида бўлади.

Тошкент метрополитени минтақавий ҳарорат стандартлари инобатга олинган иссиқлик шароитида жуда зарур кўп қувватли намлаштирилган ҳаво алмаштирув мосламалари қўлланилган, энг муҳими зилзилага бардош бераоладиган конструкциялар ишлатилган ҳолда бунёд этилган ер ости мўъжизаси ҳисобланади. Ҳамдўстлик давлатларининг бирор-тасида ҳам янги метро йўли қурилмади. Аксинча, бошланганлари ҳам тўхтаб қолди. Айтиш мумкинки янги йўналиш-

ларни бунёд қилишда мамлакатимиз метрополитенчилари илгарилаб кетди.

— Мустақиллик йилларида Тошкент метрополитени учинчи йўлининг биринчи қисми фойдаланишга топширилди. — деди Тошкент метрополитен бошқарма бошлигининг ўринбосари Баҳодир Ҳожиматов. — «Минг урик» бекатидан «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача бўлган метросида ҳам янги метро йўли қурилмади. Аксинча, бошланганлари ҳам тўхтаб қолди. Айтиш мумкинки янги йўналиш-

бўлган ер ости йўналишида олти бекат барпо этилди ва шу билан Тошкент метрополитенининг узунлиги 36 километргача узайтирилди.

Б. Ҳожиматовнинг таъкидлашича, «Собир Раҳимов» бекатини Сирғали тумани билан боғловчи метро тизимини иккитасидий ҳамкорлар иштирокида қуриш режалаштирилмоқда. Лойиҳани молиялаштиришда Хитой ҳукумати саккиз йил муддатга кредит ажратишга тайёралигини билдирган. Айни вақтда метронинг Чилонзор,

Ўзбекистон, Юнусобод йўналишларидаги мавжуд бекатларда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида ҳам янги лойиҳалар амалга оширилляпти.

— Ҳозир бутунжаҳон метрополитенида қўлланилаётган автоматларни қўллаш мақсади билан. Буларни Юнусобод йўналиши бўйича амалга оширялмиз. Келажақда ривожланган давлатлар сингари электрон пластик карточкалар билан ишларни режалаштирганмиз. 1991 йилдан шу йилгача 1 миллиард 200 миңдан ортик йўловчиларга намунали хизмат кўрсатдик.

Бугун юртимизда метро вагонларини таъмирлаш учун махсус ДПОлар ҳам мавжуд бўлиб, у ерда бутловчи ва эҳтиёт қисмларни таъмирлаш йўлга қўйилмоқда.

«Туркистон-пресс»

**Санъат**

**«Алпомиш»нинг доврўғи**

Ўзбек фольклор дostonчилигининг энг яхши намуналари ҳам умумбашариятнинг дурдона асарларига айланиб қолди. Айниқса, қахрамонлик эпоси бўлмиш «Алпомиш» дostonининг халқаро доврўғи кенг тарқалган.

Ушбу йирик фольклор асари яратилганлигининг минг йиллиги юбилеи бу фикрни яна бир бор исботлади. Шу сана муносабати билан қатор нашрлар босмага тайёрланди.

Фольклоршунос олимларнинг самарали илмий изланишлари давоми сифатида «Алпомиш талқинлари» деган тўплам юзага келди. Профессор Қозокбой Йўлдошев ушбу тадқиқоти устида жиддий иш олиб борди. Янги нашрда Ўзбек қахрамонлик эпосининг кўп бадий жиҳатлари таҳлил қилинди. «Алпомиш»нинг жаҳон фольклор ижодиётида турган ўрни ҳам кўрсатиб берилди.

«Маънавият» нашриёти ақинда чоп этган ушбу монография китобхонлар томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

**«Фотоальбом» фильми**

«Ўзбекфильм» киностудиясининг мультфильмлар ижодий бирлашмаси томонидан суратга олинган экран асарлари орасида «Ховлида», «Дворянка+дворянка» каби фильмлар ҳам ажралиб туради. Болақайлар томонидан қизиқиш билан томоша қилинаётган бу асарлар истеъдодли кинорежиссёр Дәли Ботирова раҳбарлигида яратилган эди.

Ҳали камолот ёшига етмай оламдан кўз юмган бу истеъдод эгаси хотирасига бағишлаб қисқа метражли ҳужжатли фильм юзага келди. Катта орзулар билан яшаб ўтган санъаткор ижодий фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи бу экран асари «Фотоальбом» деб номланди.

Мультфильм устаси билан ёнма-ён туриб ижод қилган санъаткорлар яратган бу фильмда хотирот бўлиб қолган фотосуратлардан кенг фойдаланилди.

**Гастроль томошалари қаторида**

Охунбоев номидаги республика Ёш томоқабинлар театри ўзининг 74-ижодий мавсумини нихоясига етказди. Яқунловчи постановка сифатида уруш мавзuida ёзилган спектакль саҳналаштирилди.

Уруш азоб-қубатларини бошдан кечирган инсонлар қисмати ақс этган мазкур постановка ҳам актёрлар ижрочилиқ маҳорати учун яна бир ижодий кўрик бўлди.

Ўз бадийий қиймати ва саҳнавий талқини билан ажралиб турувчи бу асар энг яхши спектакллардан бири янги ижодий баҳоланди. Шу сабабли ҳам янги постановка Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб ўтказиладиган гастрол томошалар қаторидан ўрин олди.

Анвар ВАЛИЕВ



Шаҳримиз кўркига янада чирой бағишлаётган бинолар.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

**Кўплаб дўстлар орттиришди**

Маҳалла ёшларини бир-бири билан яқиндан таништириш, улар ўртасида дўстликни кучайтириш, шунингдек, ўз қобилияти ва истеъдодларини тўла намоён этишига имкон яратиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани кенгаши томонидан «Сўнги қахрамон» тадбири уюштирилди.

Бектемир туманидаги «Бахт» кўлида барча маҳалла ёшлари иштирокида ўтказилган мусобақада ҳар бир гуруҳдан 15 нафар бола 10 та шарт асосида сузиш, қайикчи ҳайдаш, аркон тортиш каби топшириқларни аъло даражада бажаришиб, ўз маҳоратларини намойиш этишди.

«Сўнги қахрамон» мусобақаси менда катта таассурот қолдирди. Чунки мен бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим. Биргаликда ҳамжихатликда ҳаракат қилиб қобилиятим эришиш сирларини ўргандим, — дейди тадбир катнашчиси Нарғиза Калтурсунова. — Шу ўринда мен ушбу тадбирни ташкиллаштиришга бош-қош бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ходимлари ҳамда туман педагог тарбиячиларига ўз миннатдорчилигини билдираман.

Орзуғул РУСТАМОВА

**«Сохта абитуриентлар» сирини фoш этилди**

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари республика олий ўқув юртлирига ўқишга киришда катта пул эвазига ноқонуний тарзда ёрдам кўрсатиш билан шуғулланаётган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига чек қўйди. Тадбир давомида 15 нафар киши кўлга олинди. Уларнинг аксарияти Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртлирининг билимли талабалари экан.

Жиноий режага кўра, гуруҳ ташкилотчилари томонидан ёлланган талабалар ота-оналари катта миқдорда пул тўлаган абитуриентларнинг ўрнига тест синовларидан ўтишлари лозим бўлган.

Тошкент шаҳрида яшовчи Исмоил С. ва Давлат-

бек Р. гуруҳ ташкилотчилари бўлиб, улар ёлланган олий ўқув юртига ўқишга кирган ҳар бир абитуриент учун 2 минг АҚШ доллари ваъда қилган.

Давлатбек Р. шаҳарнинг турли даҳаларида бир неча уйни ижарага

олиб, у ерда сохта абитуриентларнинг имтиҳонларига муттасил тайёрланишини ташкил қилган. Исмоил С. эса уларнинг билим даражасини текшириш билан шуғулланган. Фирибгарлар тест синовларига кириш учун ташқи кўриниши абитуриентларга ўхшаш бўлган талабалардан фойдаланишни режалаштирган. Шунингдек, қонунга хилоф равишда паспортларга ўзгартиришлар киритиш ҳам кўзда тутилган.

Гуруҳ аъзоларини кўлга олиш пайтида 2003 йил учун тест топшириқларининг нусхалари ҳам топилиб, мусодара қилинди. Ушбу ҳолат бўйича МХХ тергов идоралари томонидан жиноий иш кўзга тилиди.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида таниқли фотомужбир Рустам Шағаевнинг давлатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишланган «Ўзбекистон: ана-ана ва замонавийлик» мавзuidaги фотокўргазмаси очилди.

**Кўзгуда тарих ва замонавийлик**

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан — Бадий Академия, Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги раҳбарлари Рустам Шағаев ўз касбининг устаси эканини қайид этиб, унинг ижодий асарлари ёрдамида жаҳон асли мустақил мамлакатнинг ҳаёти, маданияти, ривожланиши ва тарихи билан яқиндан танишаётганини эътироф этдилар.

Фотомужбир диққат марказида — инсон, дунёда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар, Она Ватан улғурлиги, унинг кўҳна тарихи ва бугунги бунёдкорлик меҳнати объект варақалари нозик ва аниқ акс этириш истаги ётади. Унинг қахрамонлари — деҳқонлар, ишчилар, давлат арбоблари, врачлар, рассомлар, олимлар... Эҳ-ҳе, ҳаммасини айтиб тугатмайсиз, ахир бу инсон қаерларда бўлмаган дейсиз. У Тошкент Давлат Университети журналистика факультетини тугатмасиданок, Ўзбекистон солномасини яратган забардаст мужбирлар меҳнат қиладиган Ахборот агентлигининг фотохроника тахририга ишга келди. Шу ерда унинг адабий салоҳияти ҳам намоён бўлди. Кўлидаги қалами билан, ҳамда фотокамера ёрдамида воқеа ва ҳодисаларни мангуликка муҳрлай оладиган мужбирлар, афсуски, орамида камдан-кам топилади.

Кўргазма — фотосуратлар устаси Рустам Шағаевнинг чорак асрлик ижодий фаолиятига ўзига оқ сарихи содир. Бунгача қанчадан-қанча фотосуратлар кўргазмаси ўтказилмаган дейсиз. Қўнқинлар иши бўйича БМТ Комиссариятининг 50 йиллигига бағишланган «Афгон қундалиги», «Шарқ дурдонаси», «Болалар — бизнинг келажакимиз», «Азиз пойтахтим», «Деҳқонлар учун кўмак» ва бошқа кўргазмалар ихлосмандлар ёдида қолган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомужбирининг энг севгани — қуш парвозининг кўз илғамас баланд нуқталаридан: вертолётдан, телеминораддан, ўг ўчириш минорасидан суратга олишдир. Бу унинг доимо ижод чўққиларига интилишида ҳам сезилади. Рустам Шағаевнинг тиниб-тинчимас феълӣ, доимо жўш уриб турадиган гайрат-шижоати уни янгидан-янги чўққилар сари етаклайди. Зеро, то мавнодаги асли ижодкор ҳали шoҳ асари олдинда эканига доимо ишонди ва шунга интилиб яшайди.

«Туркистон-пресс»

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

**Биз яшаётган олам**

«Маҳалла — мен яшаётган олам» танловига ижодий ишлар келиб тушиши давом этмоқда. Бу халқаро фотосуратлар танлови Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Тошкент фотография уйи ва Ўзтелеерадиокомпания томонидан ташкил этилган.

— Халқаро фотосуратлар танлови замонавий дунёда одамларнинг кундалик ҳаёти кечадиган кичик маданий олам қурилиши ҳақида ахборот алмашишга қаратилган, — дейди Тошкент фотография уйи директори Шаҳноза Хўжаева. — 2003 йилнинг Ўзбекистонда Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши мамлакатимиз раҳбарияти миллий маданиятга қаратаётган эътибор, одамлар ҳаётини барқарор ва самарали қиладиган ҳамма нарсани қамаб қолишга интилиш белгисидир.

Танлов «Обод маҳалла йили» дастурининг ажралмас қисмига айланиб, тинчлик ва халқ дипломатияси элчиси вазифасини бажаради. У Тошкентга юборилган фотосуратларда дунёнинг турли мамлакатларида, кўшни уйда, кўшни кўчада яшаётган, турмуш қийинчиликларини биргаликда ечаётган одамлар ҳаётини кўриш имконини беради. Шунингдек, у Ўзбекистоннинг оддий фуқаролари ҳаёт тарзини жаҳон ҳамжамиятига намойиш этиш имконини яратади. Улар доим ёрдамга тайёр, битмас неқбиллик туйғусига тўла ва оддий инсоний қувончларга қодир одамлардир. Бундай инсонларни маҳалла тарбиялайди.

Таъкидлаш жоизки, фототанловга ҳамма фотомужбирлар, фоторассомлар ва фотоҳаваскорлар тақлиф этилади. Ҳар бир муаллифдан 5 тадан кўп бўлмаган асар қабул қилинади. Танловда иштирок этиш шартларига кўра, тақдим этилган энг яхши асар Гранпри дипломи ва эсдалик совға билан тақдирланади. Танловнинг 1, 2 ва 3-ўринларини эгаллаган бошқа қобилиятли тегишли дипломлар ва совринлар топширилади. Махсус совринлар билан тақдирлаш ҳам режалаштирилган. Танлов натижаларига кўра пойтахтда «Маҳалла — мен яшаётган олам» деб аталган халқаро фотокўргазма ташкил этилади.

(ЎЗА)

• САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

**Хайрли ташаббуснинг самаралари**

Инсон умрининг заволи бўлаётган омилардан бири кекиш эканлиги бизга яхши маълум. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, ҳар йили бир миллионга яқин одам кекишининг зарари оқибатида бевақт ҳаётдан кўз юмаётди.

Дарҳақиқат, тамаки кекиш инсон соғлиғи учун қони зарардир. Чекадиган одамларда нафас йўллари хасталиқлари кўпроқ учрайди. Ифлос ҳаво билан тамаки тўтинининг ўпкага «ҳужум» қилиши туфайли чекувчи ёшлар ногирон бўлиб қолишлари ҳам қузатилмоқда.

Афсуски, кекишининг зарари тўғрисида кўп гапирилади-ю аммо уни амалга татбиқ этишга унчалик муҳим эътибор қаратилмайдди. Бундай «хавф»нинг олдини олиш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти яхши ташаббусини бошлаб берди. Жорий йилдан бошлаб олий ўқув юртида «Институтимиз чекмайди ҳудуд» деб эълон қилинди. Шу саъй-ҳаракатта институт ректоратининг ўзи бош-қош бўлмоқда. Олиб борилаётган «Чекишининг зарари ва оқибатлари» мавзuidaги кенг тушунтириш ишлари ўз самарасини бера бошлади. Олий ўқув юрти ҳудуди анча ораста ва тоза бўлиб қолди.

Афсуски, аксарият олий ўқув юртиларида кекишга қарши курашиш билан ётарли шуғулланилмаётди. Гуруҳ, курс йиғилишларида бу масалани жиддий муҳокама қилишнинг фурсати етди. Оғзаки оғохлантиришдан кўра амалий чоралар кўриш афзал деганларидек, Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг бу хайрли ишини жойларда оммалаштириш аини муддаодир.

Республикамизда кенг қўлч ёрган «Чекмасдан ёшлик завқини сур» деган ҳаракатда олга сўзилган тақлиф ва широрлани амалиётга татбиқ этишда «Институтимиз чекмайдиган ҳудуд» тадбири ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши турган гап.

АКБАР АЛИЕВ,

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Диёримизда яшаб, истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари ҳам Мустақилликни бир олам қувончу шодлик билан қутиб олдилар. Ахир халқимиз бу кунга эришгунча қанча машаққату захматли кунларни босиб ўтди. Узоқ йиллар қутилган ҳурриятга эришилганда, сир эмаски биз билан бирга Ўзбекистон тупроғида яшаб, оилали, бола-чақали бўлган турли миллат вакиллари кўнглидан озгина хавотир ҳам ўрин олиши табиий эди. Энг муҳими, Юртимизимиз бошчилигидаги давлатимиз раҳбарияти миллий сиёсатни энг долзарб деб баҳолаб, ўзаро тенг ҳуқуқликни таъминлаш, миллатлараро тотувликни мустақамлаб боришни ижтимоий-маънавий тараққиётимизнинг ўстувор йўналишларидан бири деб ҳисоблади.

Мустақилликнинг илк кунларидан қачонки диёримизда яшаб келаётган ҳар бир миллат вакилининг «Мен озод ва обод Ўзбекистоннинг эркин фуқаросиман» дея олиши йўлида қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аниқ ва лўнда қилиб белгилаб қўйилдики, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади ва халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлиб ҳисобланади. Ёки «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мақолидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Иштироқлар факат қонун билан белгиланиб қўйилганда ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт».

Шунинг учун ҳам республикамиздаги таълим-тарбия ишларини турли тилларда олиб бораётган богча, мактаб, ихтисослашган лицей ва коллежлар, университетлар, институтлар фаолияти, газета ва журналларнинг турли тилларда чоп этилаётгани, махсус радио эшиттиришлар, Ўзбекистон телевидениесининг IV канали орқали мамлакатимиз халқлари тилларидидаги кўрсатувларнинг мунтазам эфирга узатилиши ҳам давлатимиз миллий сиёсатининг инсонийлик, демократияга асосланганлигининг яққол далилидир.

Мустақил диёримизда тинчлик ва барқарорликни кўз қорачидадек асраб-авайлаш, миллатлараро тотувликни мустақамлаш давлатимиз сиёсатининг

энг асосий, долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Чунки жамиятдаги меҳр-муҳаббат, адолат ва демократия таъминлиги одамлар қалбида акс-садо бериши шубҳасиз.

Инсон қачонки ўз тилида сўзласа, миллий урф-одатлари, маданий мероси, ҳамиша қўллаб-қувватлаб турувчи ҳамфикрлари, меҳру муҳаббатли нигоҳларни ҳис қилса бемалол яшайди, иқтидори, имкониятлари юзага чиқиб, шу жамият учун хизмат қилади. Юртимизда ана шу жиҳатлар ҳазрати инсон ҳисобланмиш ҳар бир фуқарога баравар тақсимланган, уларнинг юксак камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам ҳар бир миллатнинг ўз тилида қўйлаши, миллий санъатини намойиш этиши, миллий йўналишдаги дасталар, гуруҳлар ташкил этиши, ўз истеъдодини намойиш қилиши учун кенг шaroитлар яратиб берилган.

Тобора яқинлашиб келаётган Мустақилликимизнинг 12 йиллиги байрамни юртимиз ривожига, юксалиши йўлида муносиб ҳисса қўлиб, тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликка таъин бўлаётган барча миллат вакиллари ҳам ўзига хос ютуқлар, катта мақсада ларни қўзлаган ҳолда қутиб олмақдамиз.

Бир дарёдан сув ичиб, бир тупроқдан туз насибла тотаётган инсонларнинг тақдирлари, ҳатто орзу-уй, этникодлари ҳам бири-бирига ўхшаб кетади деган гап бежизга ай

тилмаган. Эътиқод инсонни юксакликда, улўғликда ушлаб турувчи улкан қоя. Эътиқодни инсонлар учун дунёдаги жамики энг азиз нарсалардан ҳам улўғ муқаддас тушунчалар бор.

Буюк бобомиз, шеърят мулкнинг султони, ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўзларининг бетимсол достонлари ҳақрамонларини турли миллат вакиллари сифатида таъмирларини эди: Фарҳод — чин ҳокони ўғли, Ширин — арман гўзали, Лайли — араб маликаси, Фарҳоднинг дўсти Шогур — Эрон ўғли...

Бежиз эмаски Навоийдек улўғ алолма ҳам инсонларнинг бир-бирларига меҳр кўрсатиб, тинч-тотув яшашларини орзу қилган.

Боболар руҳи қўйлаган, ҳазрати инсон энг юқори даражага қўйилган, турли миллат вакиллариининг бир жон, бир тан бўлиб яшаб, ижод қилишларига, унинг ўсишларига хизмат қилаётган юртининг эртаси порлок, келгуси нурафшон, одамлари эса хур, бахтиёр яшашлари кафолатлангандир.

Шоҳида МУХСИМОВА

• САНЪАТ

РАҚСАЛАРИ ГЎЗАЛ, БЕТАҚРОР

Миллий кийимлари ўзига ярашган, кўзлари чақноқ, меҳрли нигоҳлари, чаққон ва чиройли ҳаракатлари билан мафтун айлаётган раққосаниннг беихтиёр асирига айланиб куй сөҳрига гарқ бўласиз. Бошқирд қизи Динара Эсанова рақсга тушганда ҳам худди ана шундай ҳолат юз беради.



Талибжон Содиқов номидаги шаҳар маданият уйи қошида турли миллатлар вакиллариининг ансамбль ва гуруҳлари фаолият юритади. Улар орасида татар «Булғор» шоу-гуруҳи ҳам катталар ва болалар ўртасида муваффақият қилиш иш олиб бориб, дилрабо куй-ўқишлари, чиройли рақслари билан муллислар қалбини ром этиб келмоқда.

— Шоу-гуруҳимиз 2000 йилдан бери фаолият юритиб келмоқда, — дейди гуруҳ раҳбари Римма Гизатуллина. — Республикаимизда ўтказиладиган барча катта байрамларда, Мустақиллик, Наврўз ва турли халқ сайилларида мах-

сус тайёрланган дастуримиз билан иштирок этамиз. Татар-бошқирд марказида уюштирилган барча тадбир ва шодиёналарда ҳам қатнашиб уларга бевосита ёрдам бериб келялмиз.

Биз «Булғор» шоу-гуруҳининг раққосаси Динара Эсановани ҳам суҳбатга тортидик. — Мен ўзимни ўзбек қизи, тўғрироғи Ўзбекистоннинг қизи деб айтгим келади. Узим бошқирд миллатига мансуб бўлсам ҳам шу азиз Ватан менинг Ватаним деб айтаман. Шу ерда туғилиб ўсдим, мактабда, ирригация техникумида ўқиб билимли, хўнарили бўлдим. Ота-онам, олам,

укам, дўсту биродарларим бор. Ҳаммадан ҳам кераклиги севган касбим, эмин-эркин ишлаб, яйраб-яшнаб юришим учун азиз Ватаним бор. Рақс — менинг ҳаётим. Рақсга тушганда яйрайман, барча ҳаёт қувончларини, бахт-омадни санъатнинг нафис оханглари билан кўрсатгим келади. Истар-димки, озод ва обод Ўзбекистоннинг ҳамиша гуллаб-яшнасин, тинччилигини барқарор бўлсин.

Шоҳида МУХСИМОВА  
СУРАТДА: бошқирд қизи Динара Эсанова.  
Сергей Любчик олган сурат.

• 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Мамлакатимизда жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан маҳаллаларимизда фуқароларнинг турмуш фаровонлигини юқори даражага кўтариш, ёшларга азалий миллий қадриятларимизни сингдириш, спортнинг ҳар хил турлари ривожига ўз ҳиссамизни қўлиши, ўсимларни спортга кўпроқ жалб этиш, вояга етмаган фарзандларимиз билан чўқурроқ, астойдил шуғулланиш, педагог-тарбиячи, хотин-қизлар комиссияси, маҳалла посбони, яраштириш комиссияси ишларини янада такомиллаштиришдек долзарб масалалар бизнинг кундалик вазифамизга айланган.

Маҳалламизда турли миллат вакиллариининг бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ, дўстона қайфият билан яшаб, меҳнат қилиб келаётганлиги, жамоат ишларида, ҳашарлардаги фаолиги ўз самарасини бермоқда ва маҳалланинг кўркига-кўрк, хуснига-хусн қўшилиб обод бўлиб бормоқда.

Маҳалла ранг-баранг воқеалар, қувонч ва таъшишларга бой, қолаверса мураккаб бир маскан. Қанча ишласанг ҳам камдек, шу билан биргаликда ҳар бир қилган ишининг натижасини кўра туриб яна ўзингни ишга

чорлайверасан. Ҳеч бўлмаганда бир кунда бир маҳалладошнинг кўнглини олсанг беҳад қўнсансан, чўққини унутсан. Одаднинг дўстлиги олиши, миннатдорчилигини эшитиб ишлаш қанчалар гаштли, мароқли. Эл қорига яраш катта бахт бўлиб, меҳнат ва масъулият орқали мақсадга эришилмоқда. Маҳалла раҳбарияти, фаоллар, кўчабошилар, барча комиссия аъзолари, профилактика нозирни, маҳалла посбонлари ҳамда унинг сардори бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилиб келмоқдамиз.

«Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловининг низоми, маҳалла ёшлари ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар фаолияти бўйича низоми, шаҳар, туман ҳокимликлари ва «Маҳалла» жамғармалари, республика «Маҳалла» жамғармасининг тавсияларидан тегишли хулоса чиқарилган ҳолда иш режасини яхши ўйлаб пухта, қисқа ва лўнда қилиб тузганмиз. Унинг бажарилишини ҳар қайси масъул шахсдан ҳар ойда 1-2 мартаба фаоллар йиғинида

ахборот тарзида эшитиб борамиз. Жумладан ўтган икки йилнинг амалий натижаларидан айримларини келтириш ўринлидир. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, оғир бетоб бўлган маҳалладошлар, ёлғиз қолган кишилар, табиий офатдан азият чекканларга маҳалла жамғармасидан 205 минг сўм пул, 10 қоп ун берилди, коммунал тўловлар учун 500 минг сўм пул ажратилди.

Маҳалла аҳли шаҳар, туман миқёсидаги турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб маҳалланинг шаънини муносиб ҳимоя қилиб, унинг обрў-эътиборининг янада кўтарилишига ҳисса қўлиб келмоқда.

2003 йил иш режамизга кўра ободлаштириш ва «Энг обод маҳалла» республика кўрик-танловига қатнашиш мақсадида ҳар бир хонадон ўз атрофини, ҳашар йўли билан кўчалар-

ни саранжом-саришта қилишга киришиб кетдик. Қўчат экиш, боғ яратиш, меваали, манзарали дарахтлар ўстириш, ариклари тозалаш, гул экиш, атрофни яшилликка буркаш, гўзалликни инсон қўли билан яратиш каби ота-боболаримиздан мерос қолган удуларимизни изчил давом эттириш учун ишлар қизгин олиб боришмоқда. Маҳаллани ободонлаштириш, муҳтожларга кўмаклашишда 4-автосарой, «РАФ» автокорхонаси, Собир Раҳимов номидаги темир йўл станцияси раҳбарияти, «Шерзод» хусусий дўкони ва Қорабоев новвойхоналари ақиндан ёрдам бериб, саховатли ишларга қўл уришмоқда.

Спортни ривожлантириш, тарбиявий ишлар, ўсимрлар билан ишлаш кундалик вазифамиз бўлиб, бу борада туман ҳокимлиги, туман ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижти-

мой ҳаракати туман кенгаши, туман «Маҳалла» жамғармаси, 32-ўрта мактаб, 11-шифохона билан келишилган ҳолда ҳамкорликда иш бошладик. Жумладан, спорт мажмуини қуриш, айрим фойдаланилмаётган жойларни маҳалла ихтиёрига ўтказиш, оилавий спортчиларни аниқлаш, уларга эътибор кўрсатишга ҳаракат қилишмиз. Кўчабошилар стол тенниси, шахмат, шаҳка ўйинларини жонлантириш, миллий курашни ташкил қилишга киришдилар.

Дарҳақиқат, аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда файз, қут-барака, осойишталик, хотиржамлик мавжуд бўлади, деб донишмандлар бежиз айтишмаган.

Зикрилла НАЗИРОВ,  
Сергеи туманидаги Алишер Навоий номидаги маҳалла фаоли, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби.

АҲИЛЛИК БОР ЖОЙДА ҚУТ-БАРАКА БЎЛАДИ

Шу азиз Ватан — барчамизники

• МАРКАЗЛАР ҲАЁТИДАН

Эзгу мақсадларни кўзлаб

Инсонга берилган энг улўғ неъмат ҳаёт бўлса, инсоният интилиб келаётган энг улўғ мақсадлар тинчлик ва ҳамжиҳатликдур. Она-Ватанимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик халқимизнинг энг катта бойлигидир.

Ўзбек ҳамда юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллариининг дўстлиги, қанқардошлигини мустақамлаб, тинчлик-осойишталикни сақлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўлиб келаётган миллий маданият марказлар фаолияти ҳақида алоҳида тўхталасак ярашади. Бугунги суҳбатдошимиз Тошкент шаҳар Уйғур миллий-маданий маркази раиси Ёрмуҳаммад Абдусатторов марказ томонидан амалга оширилган ишлар хусусида бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Тенглар ичра тенг бўлиб, аҳил-иноқ яшаётган кўп миллатли республикамиз халқлари қаторида уйғур аҳолисининг ҳам ҳамжиҳатликда, тинчлик-тотувликда ҳаёт кечираётгани мамлакатимизда миллий сиёсат яхши йўлга қўйилганининг натижаси деб биламан.

Шаҳар Уйғур миллий-маданий маркази томонидан ўтказилаётган барча тадбирлар ва учрашувлардан кўзда тутилган мақсад маънавий, маърифат, Президентимиз Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг аҳамиятини кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Қатор ўтказилаётган давра суҳбатлари ва учрашувларда ҳар бир ҳаюртимизга, айниқса ёшларга уларнинг билим олишлари, меҳнат қилишлари, соғлом ўсиб-ўлғайишлари билан кўрсатгим келади. Истар-димки, озод ва обод Ўзбекистоннинг ҳамиша гуллаб-яшнасин, тинччилигини барқарор бўлсин.

Айниқса «Уғуз», «Чистоний Элинбек», «Дада қурқут» достонларидан, макомлару назму наъзалардан уйғур-ўзбек халқлари бирдек баҳраманд бўлган.

Умуман тил, урф-одат, эътиқоди бир-бирига ўхшаш ҳамда яқин бўлган уйғур ва ўзбек халқларининг дўстлиги оғир синовларда мустақамлашган. Бу икки халқни бир водийнинг икки тиллари, бир бўстоннинг икки боғбони деса ҳам бўлади.

Уйғур маданият маркази Обод маҳалла йилида ўз фаолиятини эзгу мақсадларни дилга қўйлаб бошлаган. «Обод маҳалла йили» дастури асосида, маҳаллаларнинг обод ва кўркам бўлиши, қариялар ва ногиронлар, кўмакка муҳтож инсонлардан доимий хабар олиб туриш ниятида фаоллар билан келишиб режа асосида иш бошлаганмиз. Атоқли уйғур санъаткорлари билан учрашувлар ташкил қилиниб туманлардаги уйғур маданий-марказлари фаоллари, кексалар, ёшлар, аёллар тақлиф этилгани ҳолда уларнинг маданий дам олишлари уюштирилмоқда. «Юнусобод туманидаги маҳалла оқсоқоллари ва Озарбайжон халқи фаоллари билан «Отуш» қаҳвахонасида ўтказилган кўнглили учрашув, таниқли санъаткорлар ихросидаги концерт айниқса барчага маъқул бўлди.

Маълумийда 200 га яқин уйғур аёллари иштирокида халққаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тадбир ўтказилди. Бунда аёл — жўшқин, қудратли, буюк, улардаги гўзаллик, аёлларга хос меҳр-муҳаббат, дўстга хос фидойийлик, жасоратнинг мужасамланганлиги таъкидланиб, кўнглилар кўтарилиди.

Шаҳар ҳокимлигининг бевосита ёрдами билан ҳар бир тумандаги ҳоким ўринбосарлари иштирокида ҳамма ташкилотларнинг маданий марказига бўлган муносабати ва бир-бирига бўлган ёрдами орасидан суҳбатлар ўтказилди. Тошкент шаҳрининг ҳар бир туман-

идаги машраббеклари (гап новларда мустақамлашган. Бу икки халқни бир водийнинг икки тиллари, бир бўстоннинг икки боғбони деса ҳам бўлади.

Уйғур маданият маркази Обод маҳалла йилида ўз фаолиятини эзгу мақсадларни дилга қўйлаб бошлаган. «Обод маҳалла йили» дастури асосида, маҳаллаларнинг обод ва кўркам бўлиши, қариялар ва ногиронлар, кўмакка муҳтож инсонлардан доимий хабар олиб туриш ниятида фаоллар билан келишиб режа асосида иш бошлаганмиз. Атоқли уйғур санъаткорлари билан учрашувлар ташкил қилиниб туманлардаги уйғур маданий-марказлари фаоллари, кексалар, ёшлар, аёллар тақлиф этилгани ҳолда уларнинг маданий дам олишлари уюштирилмоқда. «Юнусобод туманидаги маҳалла оқсоқоллари ва Озарбайжон халқи фаоллари билан «Отуш» қаҳвахонасида ўтказилган кўнглили учрашув, таниқли санъаткорлар ихросидаги концерт айниқса барчага маъқул бўлди.

Бобур номили маданият ва истироҳат боғида марказимиз Тошкент шаҳридаги турли миллий дам олишлари уюштирилмоқда. «Юнусобод туманидаги маҳалла оқсоқоллари ва Озарбайжон халқи фаоллари билан «Отуш» қаҳвахонасининг директори Турғуной Турғоновага самимий миннатдорчилик билдираман.

Олдимизда бажарилиши муҳим бўлган ишлар, талабистаклар, режалар юзасидан фикр-мулоҳазаларимиз бор.

Жумладан, уйғур сайлини ва уйғур маданият ва маърифатининг етакчиларига бағишланган маросимларни ўтказмоқчимиз. Хозирда юртимиз мустақиллигининг 12 йиллик туйини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрялмиз. Буларнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонимизнинг раванки, тинчлиги ва мустақамлиги йўлида хизмат қилади деган ниятдамиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
ёзиб олди.

• ИЗҶОР

ШУ ЭЛ ФАРЗАНДИМАН

Валентина ОСТРИЦОВА, педагог:

— Мактабда узоқ йиллар ўқитувчи, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишладим. Ҳамиша ҳалол ва ростгўй, таълим бераётган ўқувчиларимга ўрнатилган қўлларни ҳаёт кечиршига интилиб яшадим.

Узим украин аёлиман. Лекин Ўзбекистонда яшаб, ўқиб, касб-хўнарили, уй-жойли, оилали бўлдим. Ҳамиша касбимга содиқ бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодини она Ватанин севадиган, унга содиқ ҳимоячи, посбон бўладиган, илмли ва маърифатли инсонлар қаторида ўрин олишларига ҳаракат қилдим.

Хозир пенсиядаман. Икки ўғлим, тўрт нафар бирим бор. Иштиқол шарофати билан Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликка янада эътибор қаратилди, турли миллат ва элатларнинг эмин-эркин ишлашлари, таълим олишлари ва тинч-тотув ҳаёт кечиршиларига кенг имкониятлар яратилди. Мустақилликимизнинг улўғвор 12 йиллиги байрами арафасида турган эканмиз мен тилларимки ҳамиша юртимизда тинчлик-тотувлик бўлсин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин. Юртимиз, элимиз фаровонлигига кўз тегмасин.

Шунингдек, ўқув даргоҳимизда компьютер хоналари ва шунга мосланган ўқув заллари бўлиб ўқувчиларга компьютер сабоқлари тўлиқ бериб келинади. Бу йил 204 нафар ўқувчилар 11 синфни, 365 нафар ўқувчи эса 9-синфни аъло ва яхши баҳолар билан тугаллаб катта ҳаёт сари қадам қўйдилар.

Турли миллат вакиллари фарзандлари бўлиб ўқувчиларнинг билимли, соғлом ва маънан етуқ, ватанпарвар бўлиб вояга етишларига Сонита Суховий, Лиги Шевченко, Умида Хожиметова каби меҳрибон устоз-мураббийларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Садриддин АЗИЗОВ

• ТАЪЛИМ

Мустақил ва озод диёримизда 130 дан ортик миллат вакиллари эмин-эркин меҳнат қилиб, ўқиб таълим олмақдалар. Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир миллатнинг тили, дини, миллий қадриятлари, урф-одатлари қадрланади, эъзозланади ва уларни янада ривожлантириб, тараққий эттиришга муҳим эътибор қаратилади.

БИЗДА ЧЕМПИОНЛАР ЎҚИШАДИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 110-мактабда ҳам 43 га яқин миллат вакиллариининг соғлом ва баркамол, билимли бўлиб вояга етишлари йўлида барча шарт-шароитлар яратилган. 1650 нафар ўқувчилар таълим олаётган ушбу илм масканида математика, химия, адабиёт фанлари чўқур ўргатилади.

— Мактабимизда таълим-тарбия билан бирга спортга ҳам катта эътибор қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда мактаб директори Шоҳида Якубонова. — Ўқувчиларимизнинг энг сеvimли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари»да фаол қатнашиб қатор олтин ва кумуш медалларни қўлга киритгани кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Сузиш бўйича Аня Шеглова 3 та олтин ва 2 та кумуш медал соғинди, Екатерина Рижкова 3 та олтин, 1 та бронза медаллари соғинди, шахмат бўйича Антон Филиппов, Осие чемпионатида 3 карра чемпионлик шохсупасини забт этганидан ҳам ишимиз натижаларини кўриш мумкин.

Мактабимизда ўқувчиларимизнинг спортнинг барча турлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган, турли спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб турилади.

Шунингдек, ўқув даргоҳимизда компьютер хоналари ва шунга мосланган ўқув заллари бўлиб ўқувчиларга компьютер сабоқлари тўлиқ бериб келинади. Бу йил 204 нафар ўқувчилар 11 синфни, 365 нафар ўқувчи эса 9-синфни аъло ва яхши баҳолар билан тугаллаб катта ҳаёт сари қадам қўйдилар.

Турли миллат вакиллари фарзандлари бўлиб ўқувчиларнинг билимли, соғлом ва маънан етуқ, ватанпарвар бўлиб вояга етишларига Сонита Суховий, Лиги Шевченко, Умида Хожиметова каби меҳрибон устоз-мураббийларнинг хизматлари катта бўлмоқда.

Садриддин АЗИЗОВ



Юз-қўзларидан бахтиёрлик нафаси уфуриб турган ёшларнинг келажаги порлок, эртаси нурафшон бўлиши муқаррардир.

«Тошкент оқшоми»

ХУҚУҚИЙ  
МАСПАХАТХОНАСИ

## Қонунга ҳурмат ва иттифоқорлик — ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

### 5.9. Меросни эгаллаш

**168. Меросни ёки мероснинг бир қисмини (ўз улушини) меросхўр қачон олиши мумкин?**

**Фуқаролик кодексининг 1145-моддасида** белгиланганидек, меросхўр ўзига тегишли лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (ўз улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилгани натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади.

**169. Айрим шартномаларнинг ўзидан бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг меросхўрларга (ворисларга) ўтиши қонундан қандай кечади?**

Агар ҳада шартномасида (**109-саволнинг жавобига қаранг**) бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳада шартномасига мувофиқ;

ҳада ваъда қилинган ҳада олувчининг ҳуқуқлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтмайди;

ҳада беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади (**Фуқаролик кодексининг 510-моддаси**).

Умрбод таъминлаш шарт билан уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси (**110 — 112-саволларнинг жавобига қаранг**) бўйича уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани олувчи вафот этган тақдирда, шу шартнома бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади (**Фуқаролик кодексининг 534-моддаси**).

### 5.10. Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш

**170. Мерос очилганлиги меросхўрларга хабар қилинганидан кейин нотариус, шунингдек фуқаролар йиғини раиси томонидан қандай ҳаракатлар амалга оширилади?**

Мерос очилган жойдаги нотариус:

Қонун ҳужжатларига мувофиқ меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги ёзма аризаларни, мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади;

меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради.

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги нотариус бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топширик юборади.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус ёки фуқаролар йиғинининг раиси мерос очилган жойдаги нотариал идорага кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади ва мерос мол-мулк рўйхатининг нусхасини юборади (**«Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддаси**).

Қўриқланиши учун рўйхатга олинган мерос мол-мулк сақлаш учун нотариуслар томонидан меросхўрларга ёки бошқа шахсларга топширилади.

**171. Мерос бошқарувчиси дейилганда ким назарда тутилади?**

Нотариус ёки фуқаролар йиғини раиси;

мерос таркибида бошқаришни талаб этадиган мол-мулк бўлса;

мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво кўзғатган ҳолларда, мерос бошқарувчисини тайинлайди.

Мерос бошқарувчиси ва мерос мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқа шахслар, агар улар меросхўр бўлмаса, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун меросхўрлардан ҳақ олишга ҳақли.

(Давоми бор)

Ана шундай сўлим ва ораста масканлар сирасига Хувайдо маҳалласига жойлашган «Лочин» оромгоҳини ҳам қўшсак хато қилмаган бўламиз. Азим дараклар соя солган, гулу чечаклар яшнаб турган ушбу ораста ва сўлим масканга кириб келган кишининг беихтиёр баҳри-дили очилади. Болажонларнинг, мазмунли ҳордик чиқаришлари учун тегишли шароитлар яратилганлиги сув ҳавзасида мазза қилиб сузаётган, турли танловларда иштирок этиб голиблик учун курашаётган болажонларнинг кувноқ ўйин-кулгулари, шўх-шодон кий-қириқларида сезилиб турибди.

— Кўзимиз нури, эртаимиз давомчилари бўлмиш фарзандларимизнинг оромгоҳимизда яхши дам олишлари, соғлиқларини тиклаб, руҳан тетик, жисмонан соғлом бўлиб мактабларига қайтишлари йўлида барча имкониятларни ишга солиб зарур шарт-шароитларни яратганмиз, — дейди биз билан суҳбатда «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳи бошлиғи Валентина Шаповалова. — Ҳар йили тўрт сменада, ҳар бир сменада 350 нафардан дам олувчиларга хизмат кўрсатамиз. Ёзги таътилни сермазмун ва кўнгилли ўтиши учун мавжуд етита гуруҳда иш режамизга асосан турли хил тадбирлар, кувноқ танловлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказилиб турилади.

Булардан ташқари, «Моҳир қўллар», миллий рақс, ганчкорлик, наққошлик, шахмат-шашка тўғрақлари болажонларнинг жону дили. Кувноқлар ва зукколар мусобақалари, кувноқ стартлар, «Кулги ва ҳазил куни» каби ўйин машғулоти эса барчага бирдек маъқул бўлмоқда.

Азалдан маълумки, сузи болажонларнинг энг сеvimли машғулоти. Бу борада уларга Николай Иванов бош-қош. Футбол сирларини эса болажонларимизга Алишер Аҳмаджонов ўргатади. Турли спорт мусо-

бақалари, баскетбол, футбол, шахмат-шашка бўйича ўтказилаётган бир-бирдан ранг-баранг мусобақаларда улар бажонидил иштирок этадилар.

Тошкент Давлат техника университети тасарруфидаги ушбу оромгоҳнинг талаб ва истаклар ёзилган китобчасини варақлай-

миз. Аксариятида миннатдорчилик изҳорлари битилган. Биз улардан айримларини қоғозга туширдик.

— Қизимиз Нодира Алимухамедова уч йилдан бери шу оромгоҳда дам олади, — деб ёзишибди унинг ота-оналари. — Биз тарбиячилар, устоз-мураббийларга ўзимизнинг қизгин миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Чунки фарзандимизнинг кўнгилдагидек дам олаётгани, шахмат-шашка мусобақасида голибликни қўлга киритиб, эсдалик совғалари билан тақдирлангани, барчаси кишини хурсанд қилади.

— Жияним Илҳом Тошпўлатов мана тўрт йилдирки ёғи таътилни шу ерда ўтказиши, — деб ёзибди Жамшид Расулов. — Жуда шўх Илҳомнинг футбол жону дили. Мусобақаларда ҳамшафа голиб бўлади. Энг яхши томони оромгоҳда ҳам дам олади, ҳам ўзининг севган машғулоти билан шуғулланади.

— Биз бу йил биринчи маротаба бу ерда дам олдик, — деб ёзишибди оромгоҳда чин дўстликка ахдлашган Муаттар Раҳимжонов ва Ширин Ҳайдаровалар. — Кўриктанловлар, қўшиқ ва кулгу кунлари, турли мусобақалар бизга жуда ҳам ёқди. Келаси йил ҳам албатта «Лочин»да дам оламиз.

Ҳа, ширинтойларнинг гап-сўзларида кўриниб турибдики, оромгоҳда дам олган ўғил-қизларимиз мактаблари қўчоғига бир олам таассурот, янги-янги дўстлар, ўчмас хотиралар билан, соғлом ва тетик, яхши кайфият билан қайтадилар.

**ШОҲИДА ИСЛОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Лочин» соғломлаштириш оромгоҳи ҳаётдан лавҳалар.**

**ҲАКИМЖОН СОЛИХОВ ОЛГАН СУРАТЛАР.**

### • ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ



## «ЛОЧИН»ДА ДАМ ОЛАМИЗ

Айни кунларда болажонлар ёзги таътилда. Кимдир сўлим ва оромбахш, соя-салқин тоғлар бағрига жойлашган оромгоҳларда дам олаётган бўлса, бошқалар шаҳарда ҳам мазза қилиб ҳордик чиқармоқда. Чунки ўқувчиларнинг яхши дам олишлари, мактаб кучоғига аъло кайфият, янги куч-ғайрат билан қайтишларини таъминлаш борасида шахримизда жойлашган оромгоҳларда ҳам барча шарт-шароитлар яратилган.



га бир олам таассурот, янги-янги дўстлар, ўчмас хотиралар билан, соғлом ва тетик, яхши кайфият билан қайтадилар.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Республика ихтисослаштирилган Кардиология марказига 15 миллион сўмлик янги асбоб-ускуналар келтирилди. Натижада марказ иш қуввати беш бараварга ошди. Олдинлари 50 нафар бемор қабул қилинган бўлса, эндиликда 250 нафар беморни даволаш имкони яратилди.

Ўзбекистон Президентининг "Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшироқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида республикада ихтисослашган тиббиёт марказлари ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кардиология илмий-тадқиқот институти ва пойтахтдаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизда республика ихтисослаштирилган кардиология маркази тузиш ҳам фармонда ўқитиб ўтилган. Ушбу марказни ташкил этишдан асосий мақсад, юрак қон-томир касалликлари ва улар туфайли юз бераётган ўлим ҳолатларини камайтириш, аҳолига юқори даражада тиббиёт хизматини йўлга қўйишдан иборат.

— Статистик маълумотларга қараган-

да мамлакатимизда турли хасталиклар сабаб ҳаётдан кўз юмаётганларнинг 52 фоизини, умрбод ногирон бўлиб қоладиган беморларнинг 12 фоизини юрак касалликлари билан огриган инсонлар ташкил этади, — деди марказ шифокори, профессор Озод Хўжаев. — Конда холестерин моддасининг ошиб кетиши, кам ҳаракатлилиқ, ортқча асабийлашишимиз ҳам юрак фаолиятининг ишдан чиқишига сабаб бўлади.

О. Хўжаевнинг таъкидлашича, марказда беморларни энг замонавий тиббий жиҳозлар билангина эмас, балки руҳий ва жисмоний машқлар, парҳез таомлар билан даволаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Кардиология илмий текшириш институтида юздан ортик

ходим меҳнат қилади. Уларнинг ўн нафари фан доктори ва ўттиздан зиёди фан номзодларидир. Марказдаги энг замонавий асбоб ускуналар билан ҳар қандай шифокор ҳам тахис қўйиб, муолажа қилишни орозу қилади. Янги технологиялар билан ишлаш учун шифокор ходимлар икки ой ўқитилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида марказнинг олти нафар ходими Москва Кардиология марказига малака оширишга жўнатилади. Ихтисослашган марказлар, жумладан, кардиология соҳасида ҳам шундай марказнинг ташкил этилиши халқ саломатлигини тиклаш йўлида дадил қадам бўлади.

«Туркистон-пресс»



Ёш табиатшунослар.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР



### Swiss Cooperation Office Bureau de Coopération Suisse

Tashkent

We are seeking a qualified individual as

Project Officer  
Uzbekistan Art & Culture Program

Under the supervision of the Head of the Swiss Cooperation Office, the Project Officer is responsible for the planning, implementation and monitoring of our Art & Culture Program in Uzbekistan.

**The ideal candidate will have:**

- Experience in project cycle management, if possible with an international cooperation project and/or agency;
- Experience in art and culture promotion, and a good knowledge of current activities and initiatives in Uzbek arts, crafts and cultural expression in general;
- Good communication and networking capacity, good negotiation skills;
- Capacity to delegate tasks and to coordinate a multitude of partners and projects;
- Writing and reporting skills, good knowledge (oral and written) of Russian, Uzbek and English;
- Computer skills (Microsoft Office package)

Application letters, stating the reasons for their interest in the position, detailed CVs, and copies of relevant certificates, references etc. must be submitted before August 13, 17:00 to the

Swiss Cooperation Office  
15, Ivleva Street, 700100 Tashkent

The selection committee will inform short listed candidates not later than 29 August 2003. The Embassy of Switzerland and Swiss Cooperation Office will not respond to any communication with regard to the selection process.

15, Ivleva Str. — Tashkent 700100 — Uzbekistan — Phone +998 71 1205453/ Fax +998 71 1205456 — e-mail: secretary@swisscoop.w

## ҲУРМАТЛИ АБИТУРИЕНТЛАР!

Ўзбекистонда ягона бўлган Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи 2003-2004 ўқув йили учун 9-синф битирувчиларини куйидаги мутахассисликлар бўйича

### ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Мактабларда компьютер тўғраги раҳбари
2. Тиббий ижтимоий ходим
3. Бухгалтерия ҳисобчиси
4. Ҳуқуқ ва ижтимоий таъминот ходими

Ҳужжатлар белгиланган тартибда 1 августгача қабул қилинади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи

куйидаги ўқитувчи-мутахассислар лавозимларига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- ◆ Тарих — 2та
- ◆ Физика — 1 та
- ◆ Ўзбек тили ва адабиёти — 1 та
- ◆ Ҳуқуқшунослик — 2 та
- ◆ Информатика — 2 та
- ◆ Кимё — 1 та
- ◆ Жисмоний тарбия — 1 та
- ◆ Бухгалтерия ҳисоби — 1 та
- ◆ Иқтисод фанлари — 2 та

Аризаларни қабул қилиш мuddати — эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой.

**МАНЗИЛ:** Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Кох-ота кўчаси, 75-уй.

Биринчи мўлжал: 18, 97, 148, 14-автобус, 3-троллейбус, 27-трамвайларнинг «ИЗВЕСТИЯ» бекати (Лабзакдан кейинги бекат).

Иккинчи мўлжал: 100, 123, 112-автобус, 3, 14, 26-троллейбус, 7-йўналишдаги таксиларнинг «Себзор» бекати.

**Телефонлар: 40-55-71, 41-77-43, 41-03-95**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатлашиб банд солинган автомобилотранспорт воситаларининг кимшоиди савдосини ўтказиш.**

1. «Иж-2715» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. «Москвич-2141» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 S 23-76, техник носоз;
3. «Ссанг-Енг-Корандо» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, техник носоз;
4. «Вольво-760» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник носоз;
5. «Ваз-2107» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
6. «Ваз-2106» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 W 10-14, бошланғич нархи 600 000 сўм, техник носоз;
7. «Ваз-2106» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 R 94-08, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
8. «Ваз-2101» автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 X 53-23, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
9. «Ваз-2106» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 18 B 97-57, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
10. «Москвич-412» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами T 54-43 ТН, бошланғич нархи 63 551 сўм, техник носоз;
11. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AK 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
12. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
13. «ГАЗ-52» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
14. «КАВЗ-664» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AD 209, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
15. «ГАЗ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
16. «ГАЗ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
17. «ГАЗ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
18. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
19. «Маз-5549» юк автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 82-49 ТШ, бошланғич нархи 310 000 сўм, техник носоз;
20. «КамАЗ-5410» юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 13-95 ТНН, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз;
21. «Зил-130» юк автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 47-73 ТНЛ, бошланғич нархи 270 000 сўм, техник носоз;
22. «Зил-130» юк автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80-88 ТНА, бошланғич нархи 230 000 сўм, техник носоз.

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимшоиди савдоси 2003 йил 31 июль куни соат 14.00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Кимшоиди савдосида иштирок этиш учун аризалар олиш кимшоиди савдоси ўтказилган кун соат 12-00 да тўхтатилади.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй 2-қават.  
**Маълумот учун телефонлар:** 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

**Футбол**

**МУРАББИЙЛАР  
АЛМАШДИ**

Футбол бўйича олий лига жамоалари ҳозирда биринчи даражада таътилда бўлишлари қарамай ўзроқ ўртоқлик учрашувларида иштирок этишяпти. Яқинда Тошкентнинг «Трактор» жамоаси Чирчиқнинг «Кимёгар» клуби футболчиларига қарши ўртоқлик учрашуви ўтказди. Дарвоқе, биринчи даврани анча муваффақиятсиз яқунлаган «трактор»чилар мураббийлари таркибида ўзгариш бўлиши кутилмоқда. Эндиликда жамоани собиқ «Пахтакор»чи Сергей Доценко Вадим Абрамов билан биргаликда бошқаради. Шу кунгача «Трактор»га бош мураббийлик қилган Вячеслав Томилин дарвозабонлар билан иш олиб боради.

**ЖАМОАНИ  
АБДУРАИМОВ  
БОШҚАРАДИ**

Айни кунларда иккинчи даража қизгин ҳозирлик қўраётган «Самарқанд-Динамо» жамоаси ўқув машғулот йиғинларини Янгибодда ўтказяпти. Қувонарли жиҳати шундаки, иккинчи дарадан самарқандликлар жамоасига ўзбек футболнинг юлдузи Биродар Абдураимов бош мураббийлик қилади. Абдураимовга эса «Пахтакор»нинг собиқ мураббийларидан бири Виктор Макаров ёрдамлашади.

**ОСИЁ  
ЧЕМПИОНАТИГА  
ҚУРЪА ТАШЛАНДИ**

Осиё футбол конфедерациясининг навбатдаги ижрокў йиғилишида 9-17, 14-20 ёшли футболчилардан таркиб топган терма жамоалар иштирокида ўтқадиган Осиё чемпионатиға қуръа ташланди. Шуниси қизиқки, қуръа ташлаш натижаларига кўра ҳар икки ёшдаги терма жамоаларимиз Шри Ланка ҳамда Бутан терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олишган.

**МИНИ-  
ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ  
ЭРОНДА**

Яқинда Ўзбекистон мини-футбол терма жамоаси аъзолари Эронға жўнаб кетишди. Сабаби Эрон пойтахти Техронда мини-футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Нуфузли турнирда ҳамюртларимизға омад тилаймиз.

Акбар Йўлдошев

**• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ**

**Чемпионлар етишса ажаб эмас**

Инсон ҳаёти давомида тинимсиз ҳаракатда бўлади, изланади, интилади. Бу бир қарашда табиийдек туюлиши мумкин. Аммо зимдан қузатадиган бўлсақ, ўша ҳаракат, ўша изланиш ва интилишда киши маълум жисмоний машқларни ўзи англамаган ҳолда бажаради, кундалик ҳаётида спорт билан ҳамнафас яшайди. Шунинг учун ҳам инсон доим тетик ва кучли салоҳият соҳибидир.

Ушбу ҳолатға яна эрта-лабки ва кечки бадантарбия машқларини, шунингдек, кун ора сузиш, югуриш, турникка тортилиш каби машқларни қўшадиган бўлсақ, ҳар қандай инсон ўзини бақувват ҳис этиши табиий.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани кенгаши ходимлари ҳам юқоридагиларни яхши англаб етган ҳолда тумандаги 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида «Спорт машина-

си» тадбирини ўтказдилар.

Тумanning Олим Аширов маҳалласи спорт майдонида бўлиб ўтган ушбу мусобақада маҳалла ёшлари спортнинг бир неча турлари бўйича куч синашдилар.

— Ушбу «Спорт машинаси» тадбири давомида ўтказилиб, тумanning «Бинокор», «Маърифат» маҳаллаларида ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бектемир тумани кенгашининг «Камалак» болалар ташкилоти раиси Раъно Эгамбердиева. — Ёшларимизнинг жисмоний камолоти йўлида амалға оширилаётган бундай мусобақалар келгусида кўплаб чемпионларни етиштирса ажаб эмас.

Озода РАҲМАТОВА

**• ТАНЛОВЛАР**

**«Камалак-2003»  
фестивали ғолиблари**

Республикаимиз пойтахтида «Камалак» деб номланган шаҳар фестивалини ўтказиш яхши анъанаға айлиниб қолди. Бу сафарги «Камалак-2003» фестивалиға ҳам пухта тайёргарлик кўрилди.

Шаҳар мактаблари ҳузурида очилган ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари фаолиятларига бағишлаб ташкил этилган бу тадбир дастури бешта йўналиш бўйича ўтди.

«Ёз юлдузлари» танловида Ақмал Икромов тумани командаси биринчи ўринни қўлга киритди. «Ёш экологлар» танловида эса омад Сергели тумани жамоасига қулиб боқди.

Шунингдек, «Болалар чизган расмлар», «Соғлом авлод» танловларида ҳам ғолиблар аниқланди.

Фестиваль совриндорларига Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими мукофотлари топширилди.

Аҳмад АББОСОВ

**• КЎРГАЗМАЛАР**

Шу кунларда шахримиздаги Замонавий санъат марказида АҚШ элчихонаси ёрдамида «Голливуднинг олтин асри» деб номланган турли йилларда ишланган кино-платкатлар кўргазмаси ўтказилляпти. Кўргазма доирасида афсонавий Америка кинотасмаларининг намойиши бўлиб ўтди.

**«ГОЛЛИВУДНИНГ ОЛТИН АСРИ»**

Дарҳақиқат, биз кинони жуда яхши кўраимиз. Ҳаётимизни киносиз тасаввур қилиш қийин. Лекин кинонинг пайдо бўлганига у қадар кўп вақт бўлгани йўқ.

19-асрнинг охирларида ҳаракатланаётган предметларни, кишиларни плёнкаға тушира оладиган аппарат ихтиро қилинди. Шу вақтдан бошлаб кино санъати, яъни кинофильмлар яратиш санъати пайдо бўлди.

Инсон туйғулари ва тафаккуриға жонли намунадан кўра кучлироқ таъсир йўқ. Кино ана шундай жонли намуналарни тақдим этади. Шунингдек, кино (фильм) кишиларни ҳис этиш ва фикрлаш, нафратланиш ва эътиқод этишға ундайди.

10 августға қадар давом этадиган мазкур кўргазма «Голливуд тарихи», «Голливуднинг ички олами», «Номаълум Чаплин» ҳужжатли фильмларидан рақсқар билан бошланди. Шунингдек, «Кичинтой», «Келинг, рақсға тушамиз», «Фуқаро Кейн», «Касабанка», «Ажойибдир бу ҳаёт», «Форест Гамп» деб номланган афсонавий Америка кинофильмлари намойиш этилади.

Юлдуз РИЗАЕВА

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН  
ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази  
2003 йил 30 июль, 4, 6, 11, 13, 18, 20, 25, 27 август кунлари соат 11-00да  
Юнусобод тумани «Иттифоқ» маҳалласи гузариди кимошди савдолари ўтказилади.

**КИМОШДИ САВДОЛАРИДА**

Юнусобод универсал бозорининг Аҳмад Дониш филиали худудида турғун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқи сотилади:

Савдо дўконлари ўлчами	Сони	Майдони, кв.м.	Бошланғич нархи, минг сўм
Дўкон (3мх3м)	118	9	2000,0
Дўкон (3мх3,7м)	4	11,1	2470,0

Савдода қатнашиш учун харидорлар қуриш ҳуқуқи бошланғич нархининг 5 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари лозим.

Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби ва шартлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилға мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.**  
Телефонлар: **133-20-74, 132-25-51.**

Кимошди савдолари қуйидаги манзилда ўтказилади:  
**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-мавзе, Теша Зоҳидов кўчаси, «Иттифоқ» маҳалласи гузари, 9,60,82-автобуслар ва 25,26-троллейбусларнинг 12-поликлиника бекати.**

**Имкониятни бой берманг!**



**Бош муҳаррир  
Ақмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
4204 нускада босилди. Қирғиз Бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-қирғиз билан рўйхатда олиниган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент пошта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбоа акционерлик компанияси босмакхонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.